Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!

# Ishonch

2019 йил 7 ноябрь • пайшанба • № 135 (4264)

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Жиззах вилояти

## Улуғ инсонлар доимо барҳаёт

*Жиззахда атоқли давлат арбоби ва ёзувчи Шароф Рашидов таваллудининг 102 йиллигига бағишланган тадбирлар бўлиб ўтди.*







Жамшид ЁРБЕКОВ (ЎзА) олган суратлар.

***Шароф Рашидовнинг Жиззах шаҳридаги ҳайкали пойига Жиззах шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими, олий ва ўрта махсус ҳамда халқ таълими тизимидаги муассасалар вакиллари, фахрийлар томонидан гулчамбарлар қўйилди.***

Шароф Рашидовнинг Жиззах шаҳридаги уй-музейида адиб хотирасига бағишланган маърифий тадбир ўтказилди.

Шароф Рашидовнинг қизи, Ўзбекистон Фанлар академияси аъзоси Сайёра Рашидова, қариндошлари, музей илмий ходимлари, фахрийлар томонидан улуғ инсоннинг Ватанимиз олдидаги хизматлари ёдга олинди.

– Президентимиз ташаббуси билан йигирманчи асрнинг буюк давлат ва жамоат арбоби Ш.Рашидовнинг ҳаёти ва фаолияти чуқур ўрганилмоқда, – дейди Жиззах шаҳридаги 10-умумтаълим мактаби директори Тўлқин Юнусов. – Бу инсоннинг Ватанимиз олдидаги хизматларини ёдга олиш, юртимиз улуғ инсонларининг ибратли ҳаёт йўли ва фаолиятини ўрганиш халқимизни, ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялаб, эзгу мақсадлар йўлида бирлаштиришга хизмат қилаётир. Бу зот яна Ватанимиз тарихидан, халқимиз қалбидан мустаҳкам жой олмоқда.

Шароф Рашидов таваллудининг 102 йиллигига бағишланган маърифий-маданий тадбирлар вилоятдаги бошқа таълим муассасаларида ҳам ташкил этилди.

**Тошқул БЕКНАЗАРОВ,**
ЎзА мухбири

## КУН НАФАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти **«Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»**ги қонунни имзолади.

**cbu.uz**

* * *

Давлатимиз раҳбари **«Чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида вақтинча бўлиш қоидаларини бузганлиги учун жавобгарлиги либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»**ги қонунни имзолади.

**xs.uz**

* * *

Президент Шавкат Мирзиёев 5 ноябрь куни мева-сабзавотчилик тармоғини янада ривожлантириш ва экспортини ошириш, аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланишни таъминлаш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказди.

**president.uz**

* * *

Ўзбекистон парламенти делегациясининг Қозоғистонга расмий ташрифи давомида Олий Мажлиси Сенати Раиси **Танзила Норбоева** Қозоғистон Республикаси Президенти **Қасим-Жомарт Токаев билан учрашди.**

**senat.uz**

* * *

2019 йилнинг 5 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раиси **Танзила Норбоеванинг** Қозоғистон Республикаси Парламенти Сенати раиси **Дариға Назарбоева билан учрашуви** бўлиб ўтди.

**senat.uz**

* * *

**Карантин остидаги маҳсулотни олиб қўйиш, қайтариб юбориш ва йўқ қилиш тартиби тўғрисидаги низом** тасдиқланди.

**norma.uz**

* * *

Тошкентда 6 ноябрь куни ШҲТ Минтақавий аксилтеррор тузилмасининг (ШҲТ МАТТ) еттинчи халқаро илмий-амалий конференцияси ўз ишини бошлади.

**uza.uz**

* * *

Хитой Халқ Республикасининг Шанхай шаҳрида ўтказилаётган **Халқаро импорт маҳсулотлари кўргазмасида** юртимиздан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари **Элёр Ғаниев бошчилигидаги делегация иштирок этмоқда.**

**uza.uz**

* * *

Тошкентда **Ўзбекистон – БАА ҳамкорлигини инвентаризация қилиш ва ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш бўйича** ташқи ишлар вазирликлари ўртасида **маслаҳатлашувлар** бўлиб ўтди.

**kun.uz**

* * *

Тошкентдаги «Ўзэкспомарказ» миллий кўргазма мажмуасида 24-халқаро озиқ-овқат саноати, ресторан бизнеси ва қишлоқ хўжалиги кўргазмаси иш бошлади.

**uza.uz**

* * *

Мудофаа вазирлигининг **«Чирчиқ» полигонида** Ўзбекистон ва Ҳиндистон умумқўшин бўлинмаларининг ҳамкорликдаги илк **«Дўстлик-2019» тактик ўқув машғулотлари** бошланди.

**kun.uz**

* * *

**«Ўзсаноатқурилишбанк»нинг** Қўқон филиали қошида **Банк хизматлари маркази очилди.**

**«Ўзсаноатқурилишбанк»**
**ахборот хизмати**

БЛОГЕРЛАР БУРЧАГИ

facebook




Яқинда «Шарқ зиёкори» китоб дўконидан улуғ рус ёзувчиси Лев Толстойнинг «Жахон бестселлерлари» (аслида, «жаҳон» бўлиши керак) рукни остида «BOOK MEDIA NASHR» нашриётида ушбу йилда чоп этилган «Лев Толстойнинг энг сара асарлари» (масъул муҳаррирлар Шариф Холмурод, Ғайрат Эрназаров, муҳаррир Шариф Холмурод) китобини сотиб олдим.

Китобга «Иқрорнома», «Ҳожимурод», «Кавказ асири» ҳамда «Оилавий бахт» асарлари киритилган. «Кавказ асири» ҳикоясини 4-синфда ўқиб юрганимда ўқиганман. Шу ҳикояга кўзим тушиши билан ҳайратландим. Ҳикоя қаҳрамони кўзим ўнгида гавдаланди. Жилин! Онасининг мактуби ила йўлга отланиб, қўмиқлар қўлига тушган шўрлик Жилин асирлик азобини бошдан кечиради. Меҳрибон қизча Динанинг кўмаги ила чоҳдан қутулиб, қочишга улгуради.

3 ▸

Жамоатчилик комиссияси фаолияти

## Учтепа тумани куз-қиш мавсумига тайёрми?



**Республика ишчи гуруҳининг Тошкент шаҳрида куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш, кўп қаватли уйлар, ижтимоий соҳа ва бошқа объектларни ўрганиш, аҳолини ташвишга солаётган муаммоларни аниқлаш ва ҳал этиш бўйича навбатдаги учрашуви бўлиб ўтди.**

2 ▸

Касаба уюшма фидойилари

## Умр мўъжизаси – меҳнатда!

Сурхондарё вилояти



Инсон умрини мўъжизага қиёслаш мумкин. Қачонки, инсон бу дунёга келиб-кетишдан мақсадини англаса, ўз тақдирини киндик қони томган тупроқ билан чамбарчас боғласа, то юраги уриб, томирида қон айланиб турар экан, ўзини эл-юртдан қарздор, унга хизматкор билиб, халқнинг оғирини енгил қилишдан ҳаётига мазмун топиб яшаса, чиндан ҳам унинг умри мўъжизага айланади. Бундай умр соҳибига ҳавас қилишади, ундан ибрат олишга интилишади, эл-юрти эъзозлаб бошига кўтаради.

2 ▸

## Хавфсиз фаолият – ютуқларга кафолат

Касаба уюшмалари фаолиятида ходимларнинг меҳнат муҳофазасини таъминлаш муҳим ўрин тутади. Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарлари, иш берувчилар ҳамда кенг жамоатчиликнинг эътиборини меҳнатни муҳофаза қилиш масалаларини ҳал этишга қаратиш, ишлаб чиқариш маданиятини юксалтириш, иш берувчи томонидан ходимларга соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитларини яратишга талаб ва эътиборни янада кучайтириш лозим. Шунингдек, «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунга риоя этилиши устидан ҳам жамоатчилик назоратини ўрнатиш бўйича тизимли ишларни йўлга қўйиш давр талаби ҳисобланади.

2 ▸

## «СЎЗ СЎЗЛАШДА... АНДИША КЕРАК»

*ёхуд Абдулла Қодирий ва ўзбек адабий тили ҳақида айрим мулоҳазалар*

\- 1 -

Абдулла Қодирий номи тилга олинганда бир энтикиб, ҳайратлар билан Отабек ва Кумуш, Анвар ва Раъно тақдирини эсга олмайдиган ўзбек зиёлиси, адабиёт муҳиби топилмаса керак. Адибнинг бадиий сўзида бетакрор жозиба мужассам бўлгани боис «Ўткан кунлар»ни неча бор ўқиса ҳам, одам тўймайди, зерикмайди; қайта ўқишга зарурат сезаверади. Бу ҳол, табиийки, адибнинг образ яратиш маҳорати, инсон қалбини чуқур англаши, воқеа-ҳодисалар баён усулига тегишлидир. Зеро, адабиётдек сўз санъати учун бадиий тил жуда муҳим саналади; сўз воситасида образлар, манзаралар, туйғулар сувратлантирилади. Барчага аён бу ҳақиқат бадиий адабиётнинг алифбоси. Бунга исбот учун махсус кўчирмаларга ҳожат йўқ. Аммо Абдулла Қодирийнинг сўзга, бадиий тилга, ўзбек адабий тилига эътибори... Бу жиҳатларга алоҳида тўхталиш зарур, албатта. Унинг сўзида инсонни ўзига боғлаб турадиган мустаҳкам маънавий иплар, одамни ўзига оҳанрабодек тортиб турган куч-қувват бор. Буни ўқувчи сезмаслиги мумкин эмас. Айнан сўзнинг таъсири боис Кумуш ўлган саҳнада ҳўнг-ҳўнг йиғлайди китобхон. Демак, адибнинг кўнгил булоғи шу саҳифаларга тўкилган. Адибнинг адабий-эстетик дунёси, ижодкор дарди ана шундай юзлаб саҳифаларга муҳрланади...

4 ▸

2019 ЙИЛ 7 НОЯБРЬ, ПАЙШАНБА
№ 135 (4264)

# Учтепа тумани куз-қиш мавсумига тайёрми?



Икром ҲАСАНОВ олган суратлар.

◂1

Тошкент давлат иқтисодиёт университетида ўтказилган мазкур учрашувда Президент администрацияси, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шунингдек, масъул вазирлик ва ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Дастлаб мавсумга тайёргарлик кўриш борасида бугунга қадар ижтимоий соҳа объектлари ва кўп қаватли уйларда амалга оширилган таъмирлаш ҳамда реконструкция ишлари сарҳисоб қилинди.

Шундан сўнг мавсумга тайёргарлик кўриш юзасидан туман штаби ва тегишли гуруҳлар фаолиятига эътибор қаратилди. Кўп қаватли уйлардаги мукаммал ва жорий таъмирлаш ишлари, том қисми, уйларнинг олд қисмидаги йўлаклар, кириш йўлаклари, ертўла қисмининг талаб даражасида экани, электр тақсимлаш шитлари, ирригация тармоқлари, тарновлар, иссиқлик қувурлари ҳолатини текшириш, иссиқлик тармоқларини ювиш ва баланд босимда текшириш масаласи, лифтлар ҳолати, иссиқлик энергияси тизими, марказий ва маҳаллий қозонхоналар аҳволи, иссиқлик тизими қувурларининг яроқли ва яроқсизлиги, иссиқлик таъминоти тармоқларини таъмирлаш, иссиқлик тармоқларининг изоляция қилиш борасидаги ишларга эътибор қаратилди.

Хусусан, Учтепа тумани ҳудудида мавсумга тайёргарлик ишларини кўздан кечиришда ишчи гуруҳлар зиммасига хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва профессионал бошқарув компаниялари фаолияти, мактабгача таълим муассасалари, ўрта таълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар, олий таълим муассасалари, тиббиёт муассасалари ҳамда бошқа ижтимоий соҳа объектларини текширувлар давомида аниқланган ҳолатлар муҳокама қилинди. Ўрганишлар давомида «Боғистон» маҳалласида жойлашган 25-поликлиника ҳали таъмирда экани, «Журжоний» маҳалласидаги 23-поликлиникага иссиқлик берилмагани, қозонхонаси таъмирталаблиги, Ўрикзор даҳасида жойлашган марказий кўп тармоқли поликлиника Ўрикзор амбулаторияси иссиқлик билан таъминланмагани аниқланди.

Ичимлик суви таъминоти, канализация тизими, сув ишлаб чиқариш ва канализация иншоотларининг мавсумга тайёргарлик ҳолати, электр тармоғи объектлари, табиий газ таъминоти кабилардаги муаммоли ҳолатлар юзасидан танқидий фикрлар билдирилди.

***Учрашувда кўтарилган муаммолар, айрим мутасаддиларнинг бепарволиги сабаб аҳолига азият етказаётган ҳолатлар юзасидан тегишли ташкилот ва муассасаларга ваколати доирасида кечиктирмасдан амалга оширилиши лозим бўлган ишлар белгилаб берилди.***

**Аъзам АБУЛФАЙЗОВ,**
«ISHONCH»

# Хавфсиз фаолият – ютуқларга кафолат

◂1

Маълумки, меҳнат муҳофазасини таъминлаш катта эътибор ва жиддий масъулиятни талаб этади. Жорий йилнинг биринчи ярмида меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ходимлари 939 та бошланғич касаба уюшма ташкилотининг фаолиятини ўрганиб чиқишди. Аниқланган камчиликлар юзасидан иш берувчиларга 667 та тақдимнома киритилди. Ўрганиш жараёнида аниқланган мингдан ортиқ камчиликларнинг бартараф этилишига эришилди.

Бундан ташқари, меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ходимлари ишлаб чиқаришда жароҳат олган ва боқувчисини йўқотган оилаларга ҳуқуқий маслаҳат бериш, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни текшириш, ишлаб чиқариш объектлари ва воситаларини синаш ҳамда фойдаланишга қабул қилиш, шунингдек, иш ўринларини меҳнат шароитлари бўйича аттестациядан ўтказиш комиссияларида иштирок этиб, касаба уюшмаси аъзолари манфаатларини ҳимоя этишда фаоллик кўрсатмоқда.

Жойларда ходимлар меҳнатини муҳофаза қилиш бўйича ўқув-семинарлар, тарғибот ва тушунтириш ишлари доимий равишда ўтказилмоқда. Қолаверса, Федерация порталининг «Касаба уюшмаси ёрдам берди» рукнида «ИС-ТЕЛЬ» МЧЖ, Муборак «Нефтгазтаъмир» АЖ, «Жиззахагрокимё» АЖ, Алишер Навоий номидаги Давлат академик катта театрининг иш берувчилар томонидан ходимларга етказилган зарарни ундириш бўйича маълумотлар жойлаштирилди.

Интернет тармоғида «Хавфсизлик, саломатлик ва келажакдаги меҳнат» мавзусига бағишланган махсус хештег яратилиб, онлайн тарзида доимий янгиланиб, ижтимоий тармоқларда ҳам ахборот бериб борилди.

Иш берувчилар ҳамда кенг жамоатчиликнинг эътиборини меҳнат муҳофазаси масалаларини ҳал этишга қаратиш, ишлаб чиқариш маданиятини юксалтириш, иш берувчи томонидан ходимларга соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитлари яратилиши, меҳнат муҳофазаси тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишда касаба уюшмалари фаолиятининг самарадорлигини ошириш мақсадида кўрик-танловлар ташкил этилди.

«Меҳнат муҳофазасини энг яхши йўлга қўйган ташкилот», «Меҳнат муҳофазасига эътиборли энг яхши бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти», «Энг яхши меҳнат муҳофазаси бўйича вакил» ҳамда «Меҳнат муҳофазаси бўйича энг яхши ёш мутахассис» каби номинациялар бўйича 231 нафар ғолибга 100 миллион сўмга яқин маблағ ажратилди. Ғолиблар қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, касаба уюшмалари тизимида ходимлар меҳнатини муҳофаза қилиш, иш берувчиларнинг муносиб меҳнат шароитларини яратишига эътибор қаратиш иш унумдорлигининг асосий омилидир.

**Нурулла ДАДАЖОНОВ,**
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими етакчи мутахассиси

*Қашқадарё вилояти*

**Бошланғич ташкилотларда**

**Чироқчи туманидаги 1-сонли умумтаълим мактабнинг бошланғич касаба уюшма қўмитаси раисаси, «Шуҳрат» медали соҳибаси Райҳон Давронова ҳамиша ҳамманинг дардини эшитиб, уларга ёрдам бериш мақсадида куюниб юради. Шу боисдан, ходимлар унга суянади.**

# Ёнингизда шундай кўмакдош бўлса...




Ўтган йили ўқитувчи Раъно Абдалованинг умр йўлдоши оғир хасталик туфайли вафот этган эди. Касаба уюшма қўмита раисаси унга моддий ёрдам ажратди. Шу мактабда фаррош бўлиб ишлайдиган ёлғиз аёл Ойчучук Амирова қийналиб қолганини айтганди, унга ҳам моддий ёрдам кўрсатилди. Ўқитувчи Севара Бекжонова сиртқи факультетга ўқишга кирганди. Унинг шартнома пуллари ҳам қисман тўлаб берилди. Сарвиноз Бегимова ва Саодат Санаева касал бўлиб, шифохонага тушганда, улар ҳам эътибордан четда қолмади.

Ўқитувчи Дилфуза Қўшшиеванинг ўғли аллергиядан қийналиб юрарди. «Зомин» санаторийсига йўлланма берилгач, Жиззах тоғларининг шифобахш табиати боланинг дардини аритди...

Касаба уюшма қўмита раислигига сайланганига эндигина бир йил бўлган бўлса-да, Райҳон Даврлнованинг фаолиятида бу каби мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

– Айни вақтда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши мутахассислари томонидан ўтказилаётган масофавий ўқишда билимларимни мустаҳкамлаб боряпман, – дейди Райҳон опа. – Меҳнат муҳофазаси, ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳимояси, маданий-маърифий ва спорт тадбирлари ташкил этиш каби долзарб масалаларда дарслар ўтиляпти...

Райҳон Давронова яқинда «Энг яхши инновацион таклифлар» танловида қатнашиб, «Энг фаол аёл» номинациясида эътироф этилди. Райҳон опа ўзи яшайдиган «Ўзбекистон» маҳалла фуқаролар йиғинида ишсиз хотин-қизлар учун тикув цехи, иссиқхоналар ташкил этилишида жонбозлик кўрсатди. Натижада саккиз нафар аёл ишли бўлди.

– Давлатимиз раҳбарининг таълимга қаратаётган чексиз эътибори ғайратимга ғайрат қўшмоқда, – дейди у. – Қолаверса, Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Чироқчи тумани кенгаши раиси Абдураим Ҳайдаволов масъулиятли ишимда доим кўмакчи. У кишидан кўп нарсани ўрганмоқдаман.

Ҳаракатчан инсонлар бир жойда тўхтаб қолмайди. Тинимсиз олдинга интилади. Ташаббускор, фидойи, жонкуяр ўқитувчи ва касабақўм Райҳон Давронова ана шундай юртдошларимиздан биридир.

**Акмал АБДИЕВ,**
«ISHONCH»

*Тошкент шаҳри*

**Спорт**




# Кубок темирйўлчиларда

**Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида 2019 йил 4 сентябрь куни жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, халқаро мусобақаларга тайёргарликни кучайтириш масалаларига бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида берилган топшириқлар ижросини бажариш юзасидан республика бўйича футбол ва волейбол спорт тури бўйича «Бош вазир кубоги» мусобақаси ўтказилди.**

Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ташаббуси билан вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, йирик корхона ва ташкилотлар ходимларидан таркиб топган жамоалар ўртасида ташкил этилган беллашувларда турли ташкилотлардан 64 та футбол (эркаклар) ҳамда 11 та волейбол (аёллар) жамоаси иштирок этди. Аёллар ўртасида ўтган волейбол баҳсларида «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти темирйўлчи хотин-қизларидан ташкил топган терма жамоа барча рақибларини мағлуб этиб, биринчиликни қўлга киритди.

Ғолиб жамоага «Бош вазир кубоги»ни Бош вазир ўринбосари Азиз Абдуҳакимов тантанали равишда топширди. Уларга диплом ҳамда эсдалик совғалари ҳам тақдим этилди.

**Рустам ҲАЙДАРОВ**

# Умр мўъжизаси – меҳнатда!

◂1



Ҳумойиддин Шарафуддинов ҳам ана шундай мўъжизавий умр соҳиби. У кишининг умр мундарижаси бунинг исботи. Сариосиё туманидаги «Телпакчилар» маҳалласида темирчи оиласида туғилган Ҳумойиддиннинг ўсмирлик ёши иккинчи жаҳон урушининг асоратлари халқнинг тинкасини қуритган оғир пайтларга тўғри келди. Унинг суяги далада меҳнатда қотди. У 1943-50 йилларда жамоа хўжалигида ишчи, табелчи, мактабда ўқитувчи, туман ёшлар қўмитасида бўлим бошлиғи, биринчи котиб, Шарғун шахта бошқармаси қошидаги билим юртининг директори, бошқарма партия қўмитаси котиби вазифаларида меҳнат қилди. Унга ишонч кўзи билан қараб, қандай масъулият юкланмасин, интилувчан, меҳнаткаш Ҳумойиддин барчасини уддаларди.

У ўн йил давомида тумандаги жамоа хўжаликларига раислик қилди. Ўзи меҳнатда тобланган одам меҳнат аҳлини қадрлайди. Ҳумойиддин Шарофуддиновнинг бу сифатини у кишини билганлар қайта-қайта эътироф этишади. Хусусан, ўша 1960-64 йилларда у киши марказий идорларнинг қаршиликларига қарамай, ҳафтанинг якшанба кунини дам олиш куни деб эълон қилган, бундан ташқари хўжалик маблағлари ҳисобидан туғуруқхона, 8 та болалар боғчаси, 2 та клуб, 4 та мактаб биноси қурдирган. Шуингдек, у хонадонларни табиий газ, электроэнергия, тоза ичимлик суви билан таъминлаш, ички йўлларга асфальт ётқизиш ишларига бош-қош бўлган. Халқ манфаатига хизмат қилган бундай хайрли ишларни бажариш мустабид тузум даврида раҳбар инсондан катта маънавий жасорат, ўз юртига муҳаббат талаб қиларди. У кўп йиллар давомида депутат сифатида халққа хизмат қилди. Унинг кўплаб таклифлари қонун ижодкорлигида инобатга олинди.

Ҳумойиддин аканинг Ватанга ва халққа муҳаббати кейинчалик у киши вилоят даражасидаги масъул лавозимларда ишлаганида ҳам эл-юрт учун сидқидилдан хизмат қилишга тинимсиз ундаб турди. Биргина мисол: у киши 1970-75 йилларда Бойсун тумани ижроия қўмитаси раиси, собиқ партия қўмитаси биринчи котиби бўлиб ишлаган пайтларда ҳам ўзини элга дастёр билиб, кеча-кундуз халқ билан бирга унинг иссиқ-совуғини ҳис қилиб ишлаб, кўпдан-кўп савоб ишларга бош-қош бўлди. Жумладан, туманда чорвачиликнинг ривожланиши, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида оғир шароитларда булоқ сувларини бирлаштириб, сув қувурлари ўтказилиши, Бойсун-Шўрчи, Бойсун-Хўжабўлган-Сайроб автомобиль йўлларининг қайта қурилгани, туманда ғишт заводи ва мактаблар бунёд этилгани айнан у кишининг раҳбарлик даврларига тўғри келди.

Вилоятда қурилиб, ишга туширилган чорвачилик, паррандачилик мажмуалари, сут, гўшт-консерва корхоналари, янги ерларни ўзлаштириш, боғ-роғлар яратишда ҳам у кишининг ҳиссаси салмоқли бўлди. Тажрибали ва ташаббускор раҳбар 1991-98 йилларда Сурхондарё вилояти касаба уюшмалари кенгаши раиси бўлиб ишлаган даврида ҳам бунёдкорлик ишларига катта эътибор қаратди. Бугунги кунда Термиз шаҳри жамолига кўрк қўшиб турган касаба уюшмалари кенгашининг янги биноси қурилиши, «Алпомиш» ўйингоҳининг таъмирланиши, шахсан ўзи Афғонистон Республикасига 18 марта бориб, афғон урушида ҳалок бўлган 98 нафар сурхондарёлик аскарларни номма-ном аниқлаб, уларнинг оила аъзоларига касаба уюшмаси ҳисобидан ҳомийлик ёрдами кўрсатилгани каби қатор эзгу тадбирлар ташаббускорлик меваларидир. Ҳумойиддин ака бу йилларда янги иш жойлари яратиш, меҳнаткашларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни кўнгилли дам олдириш борасида ҳам кўплаб эзгу ишларни амалга оширди.

Ҳумойиддин Шарафуддиновнинг кўксини бугун давлатимиз ва халқимиз ҳурматининг рамзи бўлган қатор мукофотлар, хусусан, «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор» унвони, «Дўстлик», «Меҳнат шуҳрати» ордени каби 10 дан ортиқ нишонлар безаб турибди.

Яқинда Ҳумойиддин Шарафуддинов Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг «Эҳтиром» нишони билан тақдирланди.

Айни кезларда тўқсон ёшни қарши олаётган Ҳумойиддин ака ҳамиша ўзини халқ хизматига камарбаста ҳисоблайди. Эл оқсоқолини ҳозир ҳам бунёдкорлик меҳнати авж олаётган жабҳалар, таълим муассасаларида учратасиз.

– Умрнинг мўъжизаси ҳам, маъноси ҳам, ҳикмати ҳам – меҳнат, – дейди Ҳумойиддин бобо давралардаги қизғин суҳбатларда. – Зеро, меҳнат қилган инсоннинг қадри ҳамиша баланд.

**Нортўра ЭРГАШЕВ**

*Қорақалпоғистон Республикаси*

# Хўжайлилик чемпион қизлар...

**Спортчилар оиласида вояга етган Умида самбо курашига қизиқиб, ёшлигидан машғулотларга қатнашиб келди. Кўп йиллик тинимсиз машғулот, мураббийларнинг ўгит-насиҳатлари ва ғалабалар сари интилишлар ўз самарасини берди.**

Шу йилнинг 11-14 октябрь кунлари самбо кураши бўйича Тошкент шаҳрида ўтказилган Жаҳон чемпионатида Хўжайли туманидаги 19-умумтаълим мактабининг 10-синф ўқувчиси Умида Жуманиязова ҳам қатнашди. 48 килограмм вазн тоифасида татамига чиққан Умида чорак финалда франциялик, ярим финалда беларуслик, финалда эса россиялик спортчини мағлуб этиб, чемпион бўлди.

Хўжайли тумани ҳокимлигида Жаҳон чемпиони кенг жамоатчилик вакиллари иштирокида тантанали тарзда тақдирланди. Умидага эсдалик совғалари ва 10 миллион сўм миқдорида мукофот пули топширилди.

Бирлашган Араб Амирликларининг Фужейра шаҳрида бўлиб ўтган бокс бўйича Осиё чемпионатида хўжайлилик яна бир қиз совриндорлар сафидан жой олди. Чемпионатда 60 килограмм оғирликда рингга чиққан Хўжайли туманидаги 28- умумтаълим мактабининг 9-синф ўқувчиси Моҳира Аҳмедова фахрли иккинчи ўринни эгаллади.

Туман ҳокимлигида бўлган учрашувда М.Аҳмедовага ҳам 10 миллион сўм мукофот пули берилди.

**Шарападдин НИЯЗИМБЕТОВ,**
Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Хўжайли тумани кенгаши раиси



◂1

- 2 -

Ҳар қандай миллий тилнинг бойиши, тикланиш, юксалишида ижод аҳлининг улкан хизматлари бўлади. Жаҳон адабиётидаги алломалар биринчи навбатда миллий тилларнинг дунёда яшаб қолиши учун уларга ўз асарлари билан маънавий ёдгорликлар қўйди. Имкон топганлари ўз она тили билан бошқаларни қиёслаб илмий-назарий китоблар ёзди.

Адабий тилнинг шаклланиши, баланд мақоми, шева хазинасидаги сўзларнинг истеъмолга олиб кирилиши ва эсдан чиққан туб сўзларнинг қайта қўлланишида адибларнинг беназир бадиий тафаккури воситачилик қилади. Халқ ичидан олинган жонли сўзлар уларнинг ижод хумдонида тобланади, пишади, қайралиб сайқал топади. Шу зайлда халқнинг туганмас хазинасига, муомала-муносабатларида маънавий мулкига айланади.

Ўзбек тилининг тарихи узоқ. Аммо замонавий ўзбек адабий тилининг шаклланишида жадид адиблари, XX асрнинг 20-йиллари матбуот нашрлари, турли маърифий ташкилотлар айнан миллий тил истиқболи билан боғлиқ вазифаларни ўз зиммаларига олган эди. Бу давр адиблар асарлари қўлёзмасида ўзича, нашр бўлган газета ва журналларнинг ҳар бири тажрибавий йўсинда ўзича «адабий тил»ни қўллагани маълум. Давр матбуотида манбалар кўп ҳолларда таҳрирсиз ҳам бериб борилган эди. Зиё Саид жадидлар матбуоти тарихини ёзар экан, албатта, уларнинг тили ва услубига эътибор берди; «ўрта шевада», «тили ўзбекча дейилган бўлса ҳам, арабча, форсия кўп бўлиши устига ўша усулда жумлалар тузилар эди», «журналнинг сарфий-наҳвий хатолари ҳам йўқ эмас эди» каби мулоҳазалар билдириб, «тилидан ўрнаклар» келтирди.

Бу даврдаги ўзбек адабий тилини кузатган жадид мунаққиди Вадуд Маҳмуд «Чўлпоннинг тасвири соф»лигини, Фитратнинг «ўзига махсус тили» бўлиб, «ўзбекчани иккинчи қатла тиргиз»ганини айтади.

Фитрат бошқарган «Чиғатой гурунги» жамияти аъзолари адабий тилни туб туркий сўзлар ҳисобига бойитиш устида жиддий қайғуриб, ўз қарашлари, таклиф ва топилдиқларини 1920 йил баҳорида босила бошлаган «Тонг» журналида ёритиб борди. Бу журнал тил ва имло масаласига жуда катта аҳамият берди ва бу йўлда яхшигина ишлади. Баъзи бир номерлари тилимизга кириб қолган араб ва форсий сўзларига қарши жиҳод билан майдонга чиқди. «Чиғатой гурунги» жамиятининг ҳафталик йиғилишида ҳар бир аъзога эски чиғатой-ўзбек сўзларини топиб келиш юкланар ва бунинг учун кексалар, кампирлар, кўпроқ қишлоқ аҳолиси билан суҳбатлашиш тавсия қилинар эди». Жамият аъзолари тарафидан ўша даврда ўзбек адабий тилига киритилган «бошқарма», «билдириш», «атама» каби сўзлар ҳозир ҳам кенг ишлатилади. Ўзбек адабий тилининг тақдирига бефарқ бўлмаган, асарлари тилини халқ сўзлашув тилига яқинлаштира олган Жулқунбой ҳам ўша «гурунг»га аъзо эди.

- 3 -

Жулқунбойнинг бошлаб ёзган асарлари тили билан «Ўткан кунлар» романи қиёсланганда табиийлик, самимийлик, халқ жонли тилига яқинлик яққол сезилади. Абдулла Қодирий асардан асарга бадиий тасвир, услуб ва поэтик тил жиҳатидан ҳам юксалиб боради. Ойбек Абдулла Қодирий романлари тили масаласи ўртага қўйилганда «Ўткан кунлар» романида ёзувчи тил устида катта маҳорат кўрсатади. Романнинг тили, ҳақиқатан бой, бўёқли, содда, ифода кучи зўр, массага англашиларли бир тилдир. Ўзбек адабий тилининг шаклланишида бу асарнинг роли, шубҳасиз катта»; «Ўткан кунлар» янги ўзбек адабий тилининг тараққиётида катта роль ўйнайди», деган теран фикрларни ёзди.

Дарҳақиқат, орадан сал кам бир аср ўтган бўлса-да, бугун ҳам Абдулла Қодирийнинг ўзбек адабий тил тараққиётига қўшган беқиёс хизматлари юрак-юракдан эътироф этишга, адибнинг маҳорати, гўзал ёзғичи – қаламига таҳсин айтишга мажбурмиз. Жулқунбой икки аср ва икки турли тузум чегарасида яшади. Умри тугаб бораётган «хон замонлари», «мусулмонобод» бўлган ўша замон одамлари турмуши билан янгиланаётган, замонавийлашаётган Туркистон аҳли ҳаётини қиёслади. Шу боис унинг асарлари тилида мумтоз наср билан янги ўзбек адабий тилининг уйғунлиги аниқ кузатилади. Энг муҳими, бу поэтик тил Абдулла Қодирий асарларига, хусусан, мозийдан сўз очган романлари моҳиятига жуда мос келади. Сунъийлик сезилмайди. Лозим ўринларда юқори табақага мансуб образлар тили ёки фармонлари матнини ҳам индивидуаллаштиради.

Халқ мақоллари ҳар қандай миллат адабий тилининг фасоҳат ва балоғатини кўрсатади. Ўрнида қўлланган мақол бадиий асарга кўрк бағишлайди. Бундай ҳол Абдулла Қодирий асарлари тилида кўп кузатилади. Хусусан, «Яхши ният – ёрти мол», «Дарди йўқ – кессак, ишқи йўқ – эшшак», «Осилсанг ҳам баланд дорға осил», «Сут билан кирган – жон билан чиқар», «Келинни келганда кўр, сепини ёйганда кўр, «Ўрганган кўнгил ўртаса қўймас», «Қўрқоқ олдин мушт кўтарар» каби мақол ва иборалар кўп учрайди. Улардан айримлари сарлавҳага ҳам олиб чиқилган.

Америкалик тадқиқотчи Христафор Майкл Мурфи «Ўткан кунлар»даги конфликт масалаларига,



# «СЎЗ СЎЗЛАШДА... АНДИША КЕРАК»

## ёхуд Абдулла Қодирий ва ўзбек адабий тили ҳақида айрим мулоҳазалар

образлар учун танланган исм ва уларнинг талқинига, романда акс этган тарихий воқеаларга, характер ва персонажларга, «Меҳробдан чаён» романи сюжети ҳамда қаҳрамонларига эътибор берди. Адиб романларининг тилини янги, айни чоғда, ўзбек адабиёти тарихида мавжуд ҳикоя қилиш анъаналарига яқин туради, деди. Фикр исботи учун «Маҳбубул қулуб» ва «Бобурнома»ни қиёслади. Халқнинг сўзлашув тилига яқинлиги, баъзан халқ достонлари тилига хос жиҳатлар борлигини, бунда адиб ўқувчилар оммасини кўпроқ ўйлаганини таъкидлади.

Абдулла Қодирий ўзининг бетакрор бадиий асарлари билан ўзбек адабий тилининг бойлигини исбот этди; ўрни келганида шева сўзларидан унумли фойдаланди. Адиб халқ тилида қўлланадиган «чип» сўзи учун «ғов, баррикада» маъносида, бошқа бир саҳифадаги диологда келган «эшик» сўзини «Фарғонада ҳовлини эшик дейдилар» деб изоҳлайди. Ҳомид Жаннат опага «...гузардан чиқиб бир чорак эт келтириб, шўрба қилиб берсангиз» дейди. Ёзувчи «бир чорак»ни «уч ярим-тўрт қадоқ чамаси тошдир» деб изоҳлайди. Бугунги ўқувчи учун бир қадоқнинг 409,512 граммга тенг оғирлик ўлчов бирлиги эканини эслатишга зарурат бор.

- 4 -

Абдулла Қодирий асарлари унинг беназир поэтик тафаккуридан дарак беради. Бадиий тафаккур эса нутқ ҳодисаси билан боғлиқ, албатта. Ҳар бир миллат адиби ўз миллий тилида фикр юритади, шу миллий тилнинг луғат бойлигига таяниб ижод қилади.

«Меҳробдан чаён»нинг «Қизиқлар» фаслида ўтмишдаги ўзига хос халқ театр санъатининг намунасини тасвирлайди. Саҳнага олиб чиқилган қизиқчиларнинг қочирим ва аскиялари воситасида ўзбек тилидаги сўзларнинг кўпмаънолилик жиҳатларини намойиш этади. Баъзан битта сўзнинг ички ёки кўчки маъносидан кулги пайдо бўлади.

Ҳеч шубҳасиз, Абдулла Қодирийнинг адабий мероси ўзбек адабий тилининг тарихида алоҳида босқич сифатида қаралишга муносибдир. Чунки адибнинг қўллаган сўзлари, халқ ичидан танлаб, топиб олган таъбирлари, халқона бадиий тасвир воситалари – буларнинг бари ҳозирга қадар ўзбеклар учун тиниқ фикр ифодасига хизмат қилиб келади.

Абдулла Қодирийнинг улкан ҳажмдаги романларидан тортиб, оддийгина бир нечта қатордан иборат «билдиришнома»ларигача – барча-барчасида теша тегмаган таъбирлар, ўзига хос поэтик нутқнинг бетакрор намуналари кўринади.

«Ўткан кунлар»нинг «Кумушнинг сўз ўйини» фаслида адиб Отабек, Кумуш ва Зайнабни учбурчак ҳолида ўтирғизиб тасвирлайди. Ўша «дин адолатка буюрган» ва «ота-онанинг ҳурматлари кўндаланг» бўлган муҳит баёнида адиб икки хотинли Отабекнинг Зайнабга нисбатан «мажбурияти»дан, кўнгилсизлиги ва ўқувчини зериктириб қўйишидан сўз очади. Кумуш билан муносабатлари тавсифида эса ўқувчи зерикмайди, ёзувчига завқ-шавқ билан эргашади; «чунки Отабек ва Кумуш ишқларида самимият, яна тўғриси шеърият бор эди». Романнинг бу каби мажзуб эпизодларида адиб жуда ноёб тасвирий сўз ва ибораларни топиб қўллайди.

Адиб қаҳрамонларининг ташқи қиёфаси тасвири учун ҳам энг эсда қоларлик ўхшатма сўзлар ва сўз бирикмаларидан фойдаланади. Отабек ёки Кумуш бибининг ташқи кўриниши тасвирида сўзларни маржондек ипга тизади. «Меҳробдан чаён» романидаги Солиҳ махдум табиатининг ўзига хослиги баёнида у биров билан сўзлашганда, «айниқса, бир нарсадан таажжубланганда сийрак ва лекин тўғри, бақувват ўскан соқолини тутамлаб ўнг кўзини бир оз қисиб» қараши ва ўз нутқида «ҳабба» деб қўйиши ҳам кўпчилик ўқувчиларига маълум гап, албатта. «Домланинг бу «ҳабба»си нима маънода қўлланилар, ўзидан бошқа ҳеч ким билмаганидек, ундан бу тўғрида изоҳ ҳам сўрамаған эдилар. Ҳар ҳолда, «ҳабба – ҳабали» ёки «ҳа, баракалла» бўлса керак. Чунки ул бир нарсадан хурсанд ва рози бўлганда аксар «ҳабба» деб юборадир». Ҳар қандай вазиятда ҳам шу битта «ҳабба» сўзининг ассоциациясидан ўқувчи тасаввурида Солиҳ махдумнинг қиёфаси аниқ гавдаланади. Бадиий ижодда топилган ва ўрнида ишлатилган битта ноёб сўзнинг куввати ҳам ёзувчи маҳоратидан дарак беради.

Абдулла Қодирийнинг асарларидаги эстетик гўзаллик бевосита маҳоратга, ёзувчининг изланишлари, ижоднинг меҳнат-машаққати, фақат санъаткоргагина хос назари билан ҳам боғлиқ. Зеро, Жулқунбойнинг ўз эътирофига кўра, у материалларни, жойларни пухта ўрганади; бу жараёнда энг майда деталларга ҳам диққат қаратади. «Ўткан кунлар»ни ёзишдан аввал адиб воқеалар кечадиган жойларни кўради, турли кўчалардан юради, қабристонда тунайди ва хон ўрдаларини синчиклаб ўрганади. Масалан, Қўқон ўрдасининг қописини шундай беради: «Айниқса, дарбозанинг икки биқинидаги «ўгирмагул» тарзи билан ишланган гулдасталар, дарбоза равоқидаги ганчдан қабартирилиб ясалған бўртма нақшлар, гуллар ҳали ўзларининг нафосатларини унчалик йўқотмаған эдилар». Жуда нафис сўзлар билан берилган бундай тасвирлар адибнинг синчковлигини англатади. Аниқ тасаввур қилинган манзаралар тиниқ тасвирланади; ўз ўрнига тушган ёрқин сўз ёлқини тафаккур пучмоқларини ёритади.

Баъзан Абдулла Қодирий ўз асарларида мумтоз насрга хос сажъ санъатидан ҳам фойдаланади. Дейлик, ўрдалик бир самоварчи девонани сўзлатиб, «...чойхонада саккиз йигит, ўртасида битта чигит; какир-кукир этар чилим, катта-кичик унга елим! Бу на бало, бу на қазо?...» деса, бошқа бир ўринда «Саломнома»да бойларга қарата «Масков бориб келибон, минглаб фойда қилибон, ҳафтада гап ейибон, томга карнай қўйибон; халқ қайғусин емайин, мактаб очай демайин; эллик-олтмиш қўй берган, саккиз кунлаб тўй берган – Туркистон савдогарларига сало-о-ом!..», деб ёзади. Бунда савдогарлар характери ўзаро зидлашиб йиғилган сўзлар воситасида очилади...

- 5 -

Абдулла Қодирий Кумушни қандай тасвирлайди? Жуда беғубор ва бегидир. Агар эсингизда бўлса, романнинг аввалидаёқ Кумуш руҳиятида ҳам ғалати бир паришонлик содир бўлади. У ҳам Отабекка ўхшаб аллатавур бўлиб юради. Адиб Кумуш ўша ҳолатини жуда жозибали тарзда, қуюқ образли тил билан қуйидагича чизади: «...уйининг тўрига солинғон атлас кўрпа, пар ёстиқ қучоғида совуқдан эринибми ва ё бошқа бир сабаб биланми уйғоқ ётқан бир қизни кўрамиз. Унинг қора зулфи пар ёстиқнинг турлик томониға тартибсиз суратда тўзғиб, қуюқ жинггила кипрак остидағи тимқора кўзлари бир нуқтаға тикилган-да, нимадир бир нарсани кўрган каби... қоп-қаро камон, ўтиб кетган нафис, қийиғ қошлари чимирилган-да, нимадир бир нарсадан чўчиган каби... тўлған ойдек ғуборсиз оқ юзи бир оз қизилликға айланган-да, кимдандир уялған каби...». Бу кўчирмада берилган Кумушнинг ҳолатини тасвирлашда ёзувчи сўзларни маржондек тергани кўриниб турибди.

Адабий тилнинг шаклланиши, баланд мақоми, шева хазинасидаги сўзларнинг истеъмолга олиб кирилиши ва эсдан чиққан туб сўзларнинг қайта қўлланишида адибларнинг беназир бадиий тафаккури воситачилик қилади. Халқ ичидан олинган жонли сўзлар уларнинг ижод хумдонида тобланади, пишади, қайралиб сайқал топади. Шу зайлда халқнинг туганмас хазинасига, муомала-муносабатларида маънавий мулкига айланади.

Ёки айнан ана шу қаҳрамоннинг бошқа бир эпизоддаги ҳолатини беришда ҳам ёзувчи бор бадиий маҳоратини ишга солади: «...Ариқнинг мусаффо тиниқ суви ёвошғина оқиб келар, Кумушбибининг қаршисиға етканда гўёки, унинг таъзими учун секингина бир чарх уриб қўяр, ўз устида ўлтирган соҳиранинг сиҳрига мусаххар бўлған каби тағи бир каттароқ доирада айлангач, оҳистағина кўприк остиға оқиб кетар эди. Ариқ сувининг ниҳоятсиз ҳаракатини узоқ кўздан кечириб ўтурғач қўл узатиб сувдан олди ва юзини ювди. Унинг юзини ўпиб тушкан сув томчилари билан ариқ ҳаракатка келиб чайқалди, гўёки сув ичида бир фитна юз берган эди... Нозик оёқлар толдилар шекиллик, садаф каби оқ тишларини бир-икки қайталаб чайди, ариқ бўйини ва унинг сувларини ташлаб кетди». Бу кўчирмадаги «соҳира»га оид бирикма сўзлари ҳам, «юзини ўпиб тушган сув томчилари» ифодаси ҳам, оёқларга қўшилган «нозик» сифатлаши ва «садаф каби оқ тишлар» ўхшатиши ҳам ўқувчини бефарқ қолдирмайди. Қодирий соҳир қалами остидан чиққан аксар қаҳрамонлари жозибали, суюкли, таъсирли. Чунки адиб сўз сўзлашда узоқ андишага боради; қуруқ баён ўрнига воқеликни, инсонни тасвирлашни муҳим санайди.

Абдулла Қодирий фикр ифодасининг қисқа ва аниқлигини, кам сўз билан кўп маъно бериш йўсинини қадрлаб, ёзишда ортиқча сўз ва жумлаларни қисқартиришдан сабоқ беради; ёзганини одамнинг ёлғиз ўзигина тушуниб, бошқанинг англай олмаслиги адибга асло маъқул келмайди. Шу боис «Ёзғувчиларимизга» номли мақоласида «Сўз сўйлашда ва улардан жумла тузишда узоқ андиша керак, ёзғувчининг ўзигина тушуниб бошқаларнинг тушунмаслиги катта айб. Асли ёзғувчилиқ, айтмакчи бўлған фикрни ҳаммага баробар онглата билишда, ораға онглашилмовчилиқ солмаслиқдадир», деб таъкидлайди. Асар матнидаги ҳар бир сўзга диққат бериб, ундан «бирон сўзни чиқариб ташлаш ёки бирон сўзни қўшиш» масаласида ҳам қатъий туради. Булар эскирмайдиган, ибратга лойиқ ҳақиқатлардир.



- 6 -

Мумтоз адабиётшуносликда кам сўз билан кўп маънолар баён этиш санъатига «ийжоз» дейилади. Сўзнинг ийжоз мақоми Абдулла Қодирий насри поэтикасига, қаҳрамонлари нутқига ҳам хос.

Отабекни иккинчи марта уйлантириш ҳавасида юрган Ўзбек ойим бир куни Ҳасанали билан гап талашиб айтадики: «Сандек соқоли узун, ақли қисқадан кенгаш сўраб ўлтурған мен ҳам аҳмоқ!» . Ўзбек ойимнинг гапга уста қилинганини қарангки, бу ўринда халқ орасида аёлларга нисбатан айтиб келинадиган нисбий таъбир Ҳасаналига мосланади. Шокирбекнинг Отабекка эврилиш саҳнаси остонасида Уста Алим «...ёмоннинг жанозасидан яхшининг ҳикояси фойдалик», деб сомеъликка ҳозирланади. Бундай нутқда «сен» – «мен», «узун» – «қисқа», «яхши» билан «ёмон», «жаноза» билан «ҳикоя» сўзлари зидланади. Юсуфбек ҳожи бир йиғилишда «Бу соқол шу эл қайғусида оқарди. Бу кўнгил шу манфаатпарастлар таъсирида қорайди», деган гаплари семантикаси қаршилидир. Юсуфбек ҳожининг ўз нафсига назари, маломати ва эътирофидаги соқолининг оқариши ёки кўнглининг қорайиши тасаввурни тоза бир инсон умрининг йўллари томон йўллайди. Аслида вазият, характернинг контрастли-қиёсли тасвирини романнинг дастлабки саҳифаларида, яъни карвонсаройда Отабек тушган ҳужра ёки Отабек билан Ҳомид характери баёнидаёқ кўринади. Адиб бу бадиий санъатдан романда жуда кўп ва ўринли фойдаланади. Баъзан кундошларнинг маънавияти, сажияси ҳар жиҳатдан таққосланади. Ўз мақсади йўлида янги қаҳрамонларни саҳнага олиб чиқиш жараёни романи охирлаб қолганида ҳам давом этади. Адиб романнинг «Хушрўйбиби ва Зайнаб» фаслидаги «Хушрўй узун бўйли, қотмароқ ва зарча танлик эди. Зайнаб қисқа бўй, гўштдор ва оқ танлик эди. Хушрўйнинг ҳаракати енгил ва лавзи тез эди, Зайнаб лоппос ва ўнта сўзга аранг битта жавоб қайтарадирған эди», деган опа-сингиллар табиатининг қиёсидан тасаввур тўлишади.

Адиб асарларида учрайдиган «Ул турғон жойида қозиқдек қоқилиб қолғон эди», «Кечанинг қаронғлиғи устига меваларнинг қуюқ япроқлари қўшилиб, бу майдон айниқса Отабекнинг ҳозирги кўнглига яқинлашиб келар эди» каби ифодаларда «қ» товушининг такроридан, «саполлаган билан қовуқни олиб чақмоқ суртди. Шам ёқилди» каби жумлалардаги «л» ва «қ» товушининг такроридан юзага келган оҳанг, «Тана бузоқнинг турқи туқғаниға тамға» ёки «Энди кўрсам милтиқнинг ўқидек, пушти гулнинг тўқидек келиним бор экан» каби халқона иборалар бадиий матнга латиф бир жозиба бахш этади. Адибдан авлодларга гўзал романлар, кўркам сўз мерос қолди. Ўқиш ва уқиш – бу хазинани ардоқлаш саналади.

Абдулла Қодирий ўзининг бетакрор бадиий асарлари билан ўзбек адабий тилининг бойлигини исбот этди; ўрни келганида шева сўзларидан унумли фойдаланди. Адиб халқ тилида қўлланадиган «чип» сўзи учун «ғов, баррикада» маъносида, бошқа бир саҳифадаги диологда келган «эшик» сўзини «Фарғонада ҳовлини эшик дейдилар» деб изоҳлайди. Ҳомид Жаннат опага «...гузардан чиқиб бир чорак эт келтириб, шўрба қилиб берсангиз» дейди. Ёзувчи «бир чорак»ни «уч ярим-тўрт қадоқ чамаси тошдир» деб изоҳлайди. Бугунги ўқувчи учун бир қадоқнинг 409,512 граммга тенг оғирлик ўлчов бирлиги эканини эслатишга зарурат бор.

Бошқа бир эпизодда узоқ айриликдан кейин қайта учрашган Кумуш Отабекка «Сиз энди қирчиллабсиз!» деб айтади. Адиб «қирчиллаш» сўзига «Қирчиллаш – одатда қорга айтиладир. Масалан, қаттиғ совуқда ёққан қор қирчиллайдир. Шундан олиб, айни етилган йигитларни қирчиллама йигит, дейдилар» тарзида романнинг асосий контекстидан ташқарида изоҳ ёзди. Адибнинг асарларида ўзбек тилининг бетакрор жозибасини намоён қилган бундай эпизодлар, жумлалар, бирикмалари ва сўзлар изоҳи кўплаб топилади.

Абдулла Қодирий ижод аҳлини ўз она тили ва қўшни миллатлар тилини билишга чорлади: «Ёзувчи ўз халқининг тилини, фольклорини камол ўрганиши шарт ва бир неча тилларни, айниқса, яқин қўшни тилларни билиши фазилат. Шундагина тили бойийди, асари жонланади»...

- 7 -

Абдулла Қодирий романларини ўзбек адабий тилининг замонавий кўринишда шаклланаётган бир даврда ёзди. Адабий тилнинг рутбаси, мақоми юксалишида адибнинг хизмати катта бўлди. Тил миллатни бирлаштирувчилик қудратига эга қадриятдир. Қодирийшунос олимлар фикрига эътибор берилса, Абдулла Қодирий тошкентлик бўла туриб, ўз романларида маҳаллий шева унсурларини умуман қўлламайди. Ҳатто қаҳрамонларининг нутқини индивидуаллаштиришда ҳам бошқа бадиий воситалардан фойдаланади. Демак, адиб шу зайлда бор маҳорати билан ўзбек адабий тилининг бойлигини, ўзбек тилининг кенг имкониятларини намойиш ҳам қилади.

Хуллас, ўзбек халқи турмушини, тарихини, тилини, урф-одатларини яхши билган Абдулла Қодирий улардан ўз асарларида жуда унумли ва ўринли фойдаланди. Адибдан қолган муҳташам адабий меросда ўзбек адабий тилининг гўзаллиги, нафосати, тасвир ва ифода имкониятлари ўз аксини топди. Шу билан бирга Абдулла Қодирий баъзан филолог олимларга хос қимматли адабий-назарий қарашлари билан ҳам ўзбек адабий тилининг такомилига хизмат қилди. Бу беназир адабий-илмий хизматларни ўзбек олимлари билан бирга хорижлик мутахассислар ҳам эътироф этди.

**Баҳодир КАРИМОВ,**
филология фанлари доктори,
профессор

**МУАССИС:**
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

**Бош муҳаррир**
Ҳусан ЭРМАТОВ

**Бўлимлар:**
Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79
Хатлар ва мухбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

**www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.**

**Манзилимиз:**
100165, Тошкент шаҳри,
Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.
Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. **Корхона манзили:** Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
**Баҳоси келишилган нархда.**

**Таҳририят ҳисобрақами:**
2021 0000 0004 3052 7001,
АТИБ «Ipoteka bank» Яшнобод филиали,
банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКЭД: 58130

**Ҳудудлардаги мухбирлар:**
Қорақалпоғистон Республикаси – (+998-99) 889-90-22
Андижон – (+998-99) 889-90-23
Бухоро – (+998-99) 889-90-31
Жиззах – (+998-99) 889-90-34
Наманган – (+998-99) 889-98-02
Навоий – (+998-99) 889-90-28
Тошкент – (+998-99) 889-90-25
Самарқанд – (+998-99) 889-90-26
Сирдарё – (+998-99) 889-98-55
Сурхондарё – (+998-99) 889-90-32
Фарғона – (+998-99) 889-90-24
Хоразм – (+998-99) 889-98-01
Қашқадарё – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

**Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.**

**Навбатчи муҳаррир:**
Х. Норбоев
**Мусаҳҳиҳ:**
С. Шодиева
**Саҳифаловчи:**
Ҳ. Абдужалилов

ЎзА якуни – **21:25**
Топширилди – **22:00**

Газета офсет усулида, А-2 форматида босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Буюртма **Г –1117.**
**27511** нусхада босилди.
Нашр кўрсаткичи: **133**

1 2 3 4 5 6